

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК
ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРГА
ҚҮЙИЛАДИГАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРНИ (0043-22-СОН САНҚВАН)
ТАСДИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 2 февралда хисобга
олинди, хисоб рақами 146]

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги түғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида»ги **Фармонига** мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қарор қиласди:

1. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари (0043-22-сон СанҚвАН) **иловага** мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мева-сабзавот консервалари, қуритилган мевалар, сабзавотлар ва картошка, карам ва тузланган сабзавотлар ишлаб чиқаришнинг санитария қоидалари (0344-17-сон СанҚвАН) ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.
4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ Б. ЮСУПАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 декабрь,
46-сон

Келишилди:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Д. ВАХАБОВ

2022 йил 30 ноябрь

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори Д. САТТАРОВ

2022 йил 22 декабрь

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д. КАСИМОВ

2022 йил 14 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 29 декабрдаги 46-сон қарорига
ИЛОВА

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари (0043-22-сон СанҚвАН)

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (бундан буён матнда санитария қоидалари деб юритилади) мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолиятига қўйиладиган санитария-гигиена ва эпидемияга қарши талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мева-сабзавот маҳсулотларининг хавфсизлик мезонлари СанҚвАН 0366-19-сон «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган гигиена нормативлари»га мувофиқ бўлиши лозим.

2. Мазкур санитария қоидаларида қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ифлосланиш — мева-сабзавот маҳсулотларининг ифлослантирувчи моддалар билан зарарланиши;

хавф — озиқ-овқат маҳсулотида мавжуд бўлган потенциал хавф-хатарларнинг (биологик, кимёвий, физикавий ва бошқа омиллар) истеъмолчилар ҳаёти ва соғлигига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли;

хавфни баҳолаш — илмий маълумотлар ва усувларга асосланган ҳолда хавфли омилларнинг хусусиятларини аниқлаш, таъсирини баҳолаш ва хавфни тавсифлаш босқичлардан иборат бўлган жараён;

хавфни таҳлил қилиш — мавжуд маълумотлардан фойдаланган ҳолда хавфни баҳолаш, хавфни бошқариш ва хавф тўғрисида маълумот бериш ўзаро боғлиқ учта таркибий қисмдан иборат хавф-хатарларни аниқлаш ва хавфни таҳлил қилиш жараёни;

хавф-хатар манбаи — озиқ-овқат маҳсулоти ёки унинг таркибида мавжуд бўлган инсон ҳаёти ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган биологик, кимёвий, физикавий ва бошқа омиллар.

2-боб. Корхоналарни лойиҳалаштиришга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари

3. Ишлаб чиқариш обьектлари, транспорт йўл ва магистраллар, туарар жой ва жамоат биноларигача бўлган масофалар тайёр маҳсулот хавфсизлигига талаблар ва ишлаб чиқариш технологиясидаги ўзига хосликларни ҳисобга олиб, корхоналарнинг санитария-химоя минтақаси СанҚвАН 0350-17-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳоли туарар-жой атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш санитария қоидалари ва нормалари»га мос бўлиши керак.

4. Ариқлар (зовурлар), ёмғир сувларини оқизиш тизимлари ва ер усти ёмғир суви юғиши жойлари, йўлаклар ва пиёдалар жойларини сақлаш, ташкилот бинолари ва иншоотларининг айвонлари ва зинапоялари, қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиши учун майдончалар ва контейнер билан жихозлаш ушбу санитария қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

5. Ишлаб чиқариш худудида цехнинг ишлаб чиқариш бинолари, мева ва сабзавот маҳсулотлари омборлари, мева ва сабзавот маҳсулотларини етказиб берувчи транспорт воситалари учун жойлар, қозонхона (суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайдиган қозонхонадан ташқари), таъмирлаш ва механик цехлар жойлаштирилиши керак.

6. Коммунал-хўжалик худудида ёрдамчи хона ва иншоотлар (насос станциялари, ёқилғи мойлаш материаллари ва кимёвий реагентлар омборлари, қозонхона, компрессор хонаси ва бошқалар), курилиш материаллари ва идишларни сақлаш учун хона, қаттиқ чиқиндиларни йиғиши учун контейнерлар, ҳожатхоналар ва бошқалар жойлаштирилиши керак

7. Корхонанинг оқова сув иншоотларидан ишлаб чиқариш биноларигача белгиланган санитария муҳофаза зонаси сақланиши лозим.

8. Корхона худудида бинолар ва иншоотларнинг жойлашуви хом ашё, тоза ва ифлосланган идишларнинг юқ оқими, тайёр мева-сабзавот маҳсулотларининг юқ оқими билан кесишишини олдини олиш керак.

9. Идишлар (тара), курилиш ва хўжалик буюмлари омборларда сақланиши керак. Идишларни асфальтланган ёки қаттиқ қопламали жойларда шийпонлар остида вақтинча сақлашга йўл қўйилади.

3-боб. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида ифлосланишини олдини олишга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари

10. Мева-сабзавот маҳсулотларининг хавфсизлиги, идишларни (тара) ишлаб чиқаришда мақбул ишлаб чиқариш амалиётини (GMP) қўллаш, қайта ишлаш заводида

идишларни қайта ишлаш ва ишлов бериш, тайёр маҳсулотни сақлаш ва тарқатиш орқали таъминланади.

11. Ишлаб чиқариш назорати ижобий баҳоланган тақдирда хом ашёни ишлаб чиқаришга қўйилади.

12. Хавф-хатарни олдини олиш мақсадида хом ашё ифлосланмайдиган ва бузилмайдиган шароитларда сақланиши керак.

13. Сабзавот ва меваларни қисқа муддатли сақлаш учун хом ашё майдончалари ташкил этилиши керак.

14. Хом ашё майдончасида қуидагилар мавжуд бўлиши керак:

шийпон;

ювиш ва дезинфекция қилиш имкониятини берувчи қаттиқ қоплама;

сув таъминоти ва оқова сув тизими.

15. Озиқ-овқат хом ашёси солинган кути ва саватлар хомашё майдончасига бир қатор қилиб жойлаштирилади. Мева-сабзавотларни ишлаб чиқариш корхонаси (бундан буён матнда корхона деб юритилади) томонидан тасдиқланган технологик йўриқномага мувофиқ қаттиқ қопламали майдончада сақлаш лозим.

16. Кўкатлар маҳсус пештахталарда сақланиши керак.

17. Хом ашё майдончаси, оқова сув траплари ва қувурлари хом ашё чиқиндиларидан ҳар куни тозаланиши керак.

18. Хом ашё, ёрдамчи материаллар ва тайёр маҳсулотлар учун сақланадиган омборхоналар тоза, қуруқ, вентиляция тизимиға эга болиши, томлар ва поллар шикастланмаган бўлиши керак. Девор ва шифтлар оқланган бўлиши керак.

19. Озиқ-овқат хом ашёсини сақлаш учун мўлжалланган омборларда ноозик-овқат маҳсулотларни сақлаш тақиқланади.

20. Омборлар хом ашёни тушириш, тайёр мева ва сабзавот маҳсулотларини юклаш учун маҳсус платформалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

21. Тайёр мева ва сабзавот маҳсулотларини юклаш ва хом ашёни тушириш ёмғир ва қордан ҳимоя қилувчи шийпон остида амалга оширилиши керак.

22. Хавфни олдини олиш учун хом ашё ва маҳсулотлар билан контейнерларни тўғридан-тўғри ерга, қорга, қор билан қопланган ёки нам полларга, пастки қаватларга, платформаларга қўйиш тақиқланади.

23. Хавфни баҳолаш мақсадида омборлар психрометрлар билан жиҳозланган бўлиши керак. Улар эшиклар ёнида ва полдан 1,6 м баландликда омборнинг марказига жойлаштирилади.

24. Омборларда мева ва сабзавотларни биргаликда, бошқа сабзавотлар ўткир ҳидли сабзавотлар билан биргаликда, карамни сабзавотлар билан сақлашга йўл қўйилмайди.

25. Мева-сабзавот маҳсулотларига қўшиладиган озиқ-овқат қўшимчалари СанҚваН 0296-11-сон «Озиқ овқат қўшимчаларини ишлаб чиқариш, муомаласи ва меъёrlашга қаратилган гигиеник талаблар»га мувофиқ қўлланиши керак.

26. Корхонада хавф-хатарни олдини олиш мақсадида озиқ-овқат қўшимчалари ифлосланмайдиган ва бузилмайдиган шароитларда сақланиши керак. Озиқ-овқат қўшимчаларини омборни сақлаш учун бошқа идишга қўйиш тақиқланади.

27. Озиқ-овқат қўшимчаларининг эритмалари корхонанинг маҳсус ажратилган хонасида тайёрланади. Озиқ-овқат қўшимчаларининг тайёр эритмалари озиқ-овқат қўшимчасининг номи ва концентрациясини кўрсатувчи белгили идишларда ишлаб чиқариш учун тайёрланади.

28. Хом ашёни (янги мева, резаворлар, сабзавотлар, картошкадан ташқари) корхона худудида ташиш маркировкаланган ёпик идишларда амалга оширилиши керак.

29. Хавфни олдини олиш мақсадида бўш идишлар маҳсулотни тайёрлаш хонасидан ювиш ва қайта ишлаш учун бошқа хонага олиб ўтилиши керак.

30. Куритилган ўткир ҳидли ўсимлик хом ашёлари шамоллатиладиган хоналарда, алюминий қатлам билан қопланган ёғоч қутиларда, қопқоқлар билан маҳкам ёпилган ҳолда

сақланиши керак. Ҳидсиз ва ўткир ҳидли қуритилган ўсимлик хом ашёларини озиқ-овқат маҳсулотлари учун мұлжалланған полимер қопларда сақлашга рухсат берилади.

31. Сочма ва суюқ таркибий қисмлар ишлаб чиқаришта киришдан олдин фильтрланиши ва магнит ушлагичлар орқали элакдан ўтказилиши керак.

32. Хом ашёни қўллар билан ушлаш ва олиш, хом ашё солинган идишларни ерга қўйиш тақиқланади.

33. Корхонанинг ишлаб чиқариш цехларида «Яроқсиз маҳсулотлар» деган номга эга маҳсус идишлар ўрнатилиши керак. Ушбу идишлар ҳар куни тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши керак.

34. Мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилар доимий равишда ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши керак.

35. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва ташиш шартлари мева ва сабзавот маҳсулотларининг ифлосланишида хавф-хатар пайдо бўлиш эҳтимолини истисно қилиши керак.

36. Озиқ-овқат мақсадларида қайта ишланиши мумкин бўлмаган чиқиндиларни белгиланган идишларда тўпланиши керак.

37. Мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш учун ажратилган транспорт воситалари тоза сақланиши керак. Ташиш шароитлари мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш учун белгиланган шартларга мос келиши, уларнинг ифлосланиши ва бузилиш хавфини истисно қилиши керак.

38. Намланган яшил нўхатни ташиш тоза, қуруқ, дезинфекцияланган қутиларда ёки автоцистерналарда амалга оширилади. Яшил нўхатни майдалаш пайтидан бошлаб уни қайта ишлашга топширишгача бўлган умумий муддат 25°C ҳаво ҳароратида 4 соатдан ошмаслиги керак.

39. Мева ва сабзавот маҳсулотларини ташиш, юклаш ва туширишни амалга оширувчи ходимлар маҳсус кийимлардан фойдаланишлари шарт.

4-боб. Сув таъминоти ва канализацияга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари

40. Корхоналарни (цехларни) сув билан таъминлаш марказлаштирилган маший ва ичимлик сув таъминотига уланиш орқали таъминланиши керак. Марказлаштирилган сув таъминоти мавжуд бўлмаган тақдирда, мустақил сув таъминоти тизими қурилган бўлиши зарур.

41. Ичимлик сув таъминоти тармоқларининг техник (ичимлик бўлмаган) сув таъминоти тармоқлари билан кесишмаслиги ва ўзига хос рангларда бўялган бўлиши керак. Ушбу сув таъминоти тизимларининг сув олиш жойлари «Ичимлик» ва «Техник» ёзувлар билан белгиланиши керак.

42. Ишлаб чиқариш технологияларида, шунингдек инвентарларни, ускуналар ва идишларни санитария тозалашда факат ичимлик суви сифати даражасидаги сувдан фойдаланиш лозим. Тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш ускуналарини (совутиш жиҳозлари, вакуум насослари, барометрик конденсаторлар ва бошқалар) ювишда сув сифатини ёмонлаштирадиган моддаларни (нефт маҳсулотлари, қаттиқ моддалар ва бошқалар) ўз ичига олмаган очик сув ҳавзалари сувидан фойдаланиш мумкин.

43. Ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимларида қўл ювиш учун шароит яратилган бўлиши, бунда иссиқ ва совуқ сув (20 кишига битта раковина), қўл ювиш воситаси, чўткалар, электр қуритиш мосламалари ёки бир марталик қофоз сочиқлар ва дезинфекцияловчи воситалар билан жиҳозланиши керак.

44. Хавф-хатарни олдини олиш учун мева-сабзавот маҳсулотлари билан бевосита мулоқотда бўлувчи буг озиқ-овқат хавфсизлиги ёки сифатига хатар солмаслиги керак.

45. Саноат биноларидаги поллар сув ўтказмайдиган, тозалаш ва дезинфекция қилиш учун қулай қопламага эга бўлиши, канализация ариқларига суюқлик оқиши учун қиялик

бўлиши керак. Бетон пол қопламаси қатронлар, сопол плиткалар ёки пластиклар билан қопланиши керак.

46. Корхонанинг (цех) хўжалик, маҳаллий, ёмғир сувларидан ҳосил бўладиган оқова сувлар умумий канализация тармоғига тозаланган ҳолда чиқарилиши керак. Саноат ва майший оқава сувларни тозалаш ва зарарсизлантирмасдан сув омборларига тушириш тақиқланади.

47. Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида хавфни бошқариш мақсадида қуйقا-лой тўпланиши ва микроорганизмлар ривожланишининг олдини олиш учун, сув ва канализация таъминотини ташкил қилиш керак.

5-боб. Корхонада ёритиш ва микроиқлимга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари

48. Барча саноат, маъмурий ва ички бинолар вентиляция (табиий, механик ёки аралаш) билан таъминланиши керак.

49. Бинолар ҳавонинг табиий алмашинувини таъминлаш мақсадида дарчалар ва деразалар, панжаралар ва бошқа шу кабилар билан (уларни очиш ва маҳкамлаш учун механик курилма билан) таъминланиши ва улар доимий равишида санитар тозаланиши керак.

50. Иссиклик ва намлики сезиларли даражада чиқарадиган очиқ манбалар устида дудбўронлар бўлиши, иш жойидаги ҳаво ҳарорати 25°C дан юқори ва нисбий намлик 75 фоиздан юқори бўлмаслиги зарур.

51. Дуд генератор хоналари ва дудлаш камераларидан тутунни чиқариш учун механик сўрувчи вентиляция билан таъминланиши ва ёндош хоналарда тутун ва газларнинг кириб кетишини олдини олиш учун ҳаво босими яратилиши керак.

52. Иситиш асбобларининг юзаси силлиқ ва тозалаш учун қулай бўлиши керак.

53. Сунъий ёритишида шиша бўлакларининг маҳсулотларга тушишига йўл қўймайдиган плафонлар бўлиши керак. Ёритиш мосламалари ҳар чорақда камидан бир марта тозаланиши керак.

6-боб. Саноат, ёрдамчи ва майший биноларга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари

54. Maiший хоналар алоҳида биноларда ёки асосий ишлаб чиқариш биносида жойлаштирилади. Maiший хоналар ходимлар сони ва технологик жараёнларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда техник жиҳатдан тартибга солувчи хужжат талабларига жавоб бериши лозим.

55. Maiший биноларни алоҳида бинога жойлаштиришида ишлаб чиқариш цехларига ёпиқ ўтиш жойлари ташкил этилиши керак.

56. Душлар кийиниш хоналари ёнида жойлаштирилиши лозим. Душ тармоқлари энг узоқ сменада ишлайдиган одамлар сонидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

57. Maiший биноларни пардозлашда қўйидагилар кўзда тутилиши керак:

душ хоналарида деворлар — 1,8 метр баландликдаги сирланган плиткалар билан қопланади;

кийиниш хоналари, чойшаблар сақланадиган хона, ҳожатхоналар — 1,5 метр баландликдаги панеллар билан қопланади;

тутиб турувчи тузилмани пастки қисмигача ювилиш имконини берувчи бўёқ ва материаллар билан қопланади;

барча ишлаб чиқариш хоналаридағи поллар сопол плиткалар ёки бошқа сув ўтказмайдиган воситалари билан қопланади.

58. Душ ва ҳожатхоналар ҳар сменада камидан икки марта ювилиши ва дезинфекцияниши керак.

59. Корхона ҳудуди, ишлаб чиқариш, майший ва хўжалик хоналари тозалаш маҳсус ажратилган, малака ва қўникумага эга бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак, уларни озиқ-овқат қўшимчалари ишлаб чиқариш учун жалб қилишга йўл қўйилмайди.

60. Иш тугагандан сўнг ишлаб чиқариш ва майший бинолардаги поллар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва идишлар ишқорий эритма ва иссиқ сув билан тозаланиши керак.

61. Саноат биноларида полларни тозалаш иш жараёнида ва сменанинг охирида нам усулда амалга оширилиши керак.

62. Дезинсекция ва дератизация тадбирлари давомида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

7-боб. Мева-сабзавот маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналарини сақлаш ва ишлатишга қўйиладиган санитария-гиgiene талаблари

63. Ускунани сақлаш ва ишлатиш ушбу санитария қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

64. Ускуналарни ишлатишда қўйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

ходимларнинг асбоб-ускуналар орасида эркин ҳаракатланиши;

ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

ускуналарни ювиш ва дезинфекция қилиш, шунингдек у ўрнатилган корхона хоналарини тозалаш;

хом ашё, тайёр мева ва сабзавотлар, ишлаб чиқариш чиқиндилирининг тўқнашишини олдини олиш.

65. Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ускуналар ва идишлар техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, озиқ-овқат ва сув билан фойдаланиш учун мўлжалланган материаллардан (хавфсиз материаллардан) тайёрланиши керак.

66. Ускуналар, контейнерлар ва инвентарлар тоза сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши керак.

67. Ускунанинг ички юзаларида, шу жумладан идишлар ва тараларда ёриклар бўлмаслиги ҳамда осон тозаланадиган силлиқ юзага эга бўлиши керак.

68. Кислота эритмаларини тайёрлаш учун идишлар кислоталарга чидамли материаллардан тайёрланиши керак.

69. Цехлараро таралар ва ташувчи ускуналар ҳар бир хом ашё турларига кўра маркировкаланиши керак. Цех ичida турли рангда белгиланган таралардан фойдаланиш керак.

70. Маҳсулотларни ўтказиш учун шланглар маҳсус илгакларда осилган ҳолда сақланиши, учлари ёпиладиган бўлиши керак. Ушбу шлангларни ишчилар ва жиҳозлар ҳаракатланадиган жойларда полга қўйиш тақиқланади.

71. Тайёр маҳсулотлар корхонанинг омборлари ва экспедиция хоналарида сақланиши шарт.

72. Хавф-хатарни олдини олиш мақсадида қадоқлаш материали мева ва сабзавот маҳсулотларни ифлослантирмайдиган ва ифлосланиш хавфини юзага келтирмайдиган ҳолда сақланиши керак.

73. Қадоқлаш маҳсулотнинг ифлосланишидан ва қадоқлашнинг барча босқичларида унинг сифати ва хавфсизлигини сақлашни таъминлаш мақсадида амалга оширилиши керак.

74. Автоклавлар, узлуксиз стерилизаторлар ва бошқа стерилловчи қурилмалар стерилизация режимларини тартибга солиши ва бошқариш учун ҳароратни белгиловчи қурилмалари ёки автоматик тизимлар билан жиҳозланиши керак.

75. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, мева ва сабзавотларни қуритишда, ювишдан сўнг технологик жараённинг барча босқичларида хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш учун ёғоч идишлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

76. Ювиш ва дезинфекцияловчи эритмаларни тайёрлаш маҳсус белгиланган хонада (хоналарда) марказлашган ҳолда амалга оширилиши керак. Дезинфекцияловчи моддалар ишлаб чиқариш объектларига смена эҳтиёжидан ошмайдиган миқдорда етказиб берилиши керак.

77. Ювиш ва дезинфекциялаш воситалари маҳсус белгиланган хонада ёки маҳсус шкафларда сақланиши керак.

78. Айланма идишларни ювиш цехлараро идишлар ва инвентарларни ювишдан алоҳида ҳолда амалга оширилади.

79. Иш тугагандан сўнг барча фойдаланилган асбоб-ускуналар ва идишларининг ички ва ташки юзалари яхшилаб тозаланиши, иссиқ сув билан ювилиши ва дезинфекция қилиниши керак.

80. Яшил нўхат пишириш учун бланшер (козон) даги сувни ҳар бир сменада ўзгартирилиши, кунига камида 1 марта уни бутунлай нўхатдан тозалаш керак. Иссиқ сув билан чўткалар ёрдамида (бурчаклар, бўшлиқлар, қопқоқ) ювилади, дезинфекцияланади ва сув билан чайилади.

81. Гидротранспортёрлар кунига камида бир марта хом ашё қолдиқларидан тозаланиши ва сув билан ювилиши керак.

82. Пештахталар, тарозилар ва юк ташувчи ускуналарнинг юзалари ҳар куни ювилиши ва қуритилиши керак.

83. Корхона ускуналарини санитария шароитида қайта ишлашда ходимлар маҳсус кийим, шахсий ҳимоя воситалари ва шикастланишларда зарур ёрдам кўрсатиш воситалари билан таъминланиши керак. Дезинфекциялаш тадбирларида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган маҳсус кийимлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Иш тугагандан сўнг маҳсус кийимлар ювилиши керак. Тоза маҳсус кийимларни алоҳида шкафларда сакланади.

84. Технологик катта сифимли идишларни қўлда санитария ишлови беришда ходимлар алоҳида маҳсус кийимлар, инвентар, резина гиламчалар билан таъминланиши керак. Ушбу нарсалар белгиланган алоҳида шкафларда сакланади. Иш охирида улар ювилади, дезинфекцияланади ва қуритилади.

85. Ускунани таъмирлашда бегона нарсаларнинг мева-сабзавот маҳсулотларига тушишига йўл қўйилмаслик керак.

86. Таъмирлашдан сўнг асбоб-ускуналарни топширишга санитария ишлови берилгандан кейингина рухсат этилади.

87. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни қўйидаги ташкил этилган бўлиши керак:

хом ашё оқимлари ва тайёр маҳсулотларининг кесишишини истисно қилиш;
сифатли ва хавфсиз мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришни таъминлаш.

88. Хавфни баҳолаш мақсадида мева ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари қўйидаги тартибда бўлиши керак:

корхонада белгиланган тартибда тасдиқланган технологик йўриқномаларга мувофиқ амалга ошириш;

корхонада ишлаб чиқаришни назорат қилиш дастурига мувофиқ даврий назоратни таъминлаш.

89. Ишлаб чиқариш технологиясини қайд этиш учун фойдаланиладиган шакллар (технологик журналлар, компьютерда ҳисобга олиш ва ҳ.к.) мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичини акс эттириши керак.

8-боб. Кемирувчилар ва ҳашаротларга қарши қурашиш тизимиға қўйиладиган санитария-гигиена талаблари

90. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва омборхоналарига ҳашаротлар ва кемирувчилар киришини олдини олиш чоралари (пол, шифтлар, деворлар, маҳсус туйнуклар атрофидаги бўшлиқлар цемент, гишт ёки темир билан маҳкамланган, вентиляция тизими тешиклари ва каналлари металл тўрлар билан ёпилган бўлиши) кўрилиши керак. Кемирувчилар пайдо бўлганда уларни йўқ қилишнинг механик усуслари (қопқон, тузоқлар) қўлланилади.

91. Ҳашаротлар ва бошқа зааркунандаларнинг кўпайишига йўл қўймаслик учун қўйидагиларни амалга ошириш керак:

гигиена қоидаларига риоя қилиш;

ҳашаротларни кириб келишининг олдини олиш, бошпана жойларини йўқ қилиш;

ҳашаротларни маҳсулотга тушишини олдини олиш, аниқлаш ва йўқ қилиш чораларини кўриш.

9-боб. Ходимларнинг шахсий гигиенасига қўйиладиган гигиеник талаблари

92. Ишлаб чиқариш цехларида ишлайдиган барча ходимлар қўйидаги қўлларни ювиш ва дезинфекция қилиш талабларига риоя қилишлари лозим:

ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жараёнлардан олдин;

хожатхонага борганда икки марта (хожатхонага боргандан сўнг ва иш жойида бевосита иш бошлашдан аввал).

Кесиши ва қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ хоналарда қўйидагилар тақиқланади:

чекиши,

тупуриши,

овқатланиши,

очиқ маҳсулотлар устида аксириш ёки йўталиши,

заргарлик буюмлари ва соатларни ечиш, сочни йиғиб бош кийим остига беркитиши.

93. Мазкур санитария қоидаларини ишлаб чиқувчилар рўйхати [иловада](#) келтирилган.

**Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга қўйиладиган санитария-гигиена талабларига
ИЛОВА**

Тузувчилар рўйхати:

А.С. Худайберганов Санитария, гигиена ва касбий касалликлар илмий-тадқиқот институти, Овқатланиш гигиенаси лаборатория мудири, т.ф.д., профессор

Э.Б. Наврузов Санитария, гигиена ва касбий касалликлар илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, т.ф.н.

А.Р. Носирова Санитария, гигиена ва касбий касалликлар илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

Г.М. Исраилова Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, Гигиена кафедраси доценти, т.ф.н;

С.М. Китайбеков Санитария, гигиена ва касбий касалликлар илмий-тадқиқот институти таянч докторанти

М.Д. Музafferров Санитария, гигиена ва касбий касалликлар илмий-тадқиқот институти таянч докторанти

Такризчилар рўйхати:

Д.А. Зарединов Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Гигиена кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Ш.Я. Зокирходжаев Тошкент тиббиёт академияси, Диэтология ўқув-илмий маркази директори, т.ф.д., профессор

Ш.С. Бахридинов Тошкент тиббиёт академияси, Болалар ва ўсмирлар гигиенаси ва овқатланиши кафедраси т.ф.д., профессор